

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ИЛМий ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР
МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ҚАРШИ ИРРИГАЦИЯ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ

ЧУЛИЕВ МАХМАТМУРОД НОРБАЕВИЧ

**СУВ ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА
СОЯНИ СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
(ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИ
ШАРОИТИДА)**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural
sciences**

Чулиев Маҳматмурод Норбоевич

Сув танқислиги шароитида такрорий экин сифатида сояни суғориш тартибларини ишлаб чиқиш (Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида).....3

Чулиев Маҳматмурод Норбаевич

Разработка режимов орошения сои в качестве повторной культуры в условиях дефицита воды (в условиях светлых сероземных почв Кашкадарьинской области).....21

Chuliev Mahmatmurod Norboevich

Working out the order of soybean..n as the successive crop for water deficit condition (in the light grey pasture soil condition of Kashkadariya region).....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ИРРИГАЦИЯ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ

ЧУЛИЕВ МАХМАТМУРОД НОРБАЕВИЧ

**СУВ ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА
СОЯНИ СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
(ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИ
ШАРОИТИДА)**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Qx1058 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қарши ирригация ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cottonagro.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Хазраткулова Шахноза Усмановна**
кишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Эшонкулов Жамолiddин Сапарбой ўғли**
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Матякубов Бахтияр Шамуратович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Ётақчи ташкилот: **Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашнинг « 28 » декабрь 2024 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2-уй, Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag_info@edu.uz).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 552052 - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2024 йил « 14 » декабрь кунин тарқатилади.
(2024 йил « 14 » декабрдаги 9- рақамли реестр баённомаси)



У.Норкулов
Илмий даражалар берувчи
ва илмий кенгаш асосида тузилган
бир марталик илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д., профессор.

А.А.Қурбонов
Илмий даражалар берувчи
ва илмий кенгаш асосида тузилган
бир марталик илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.д.,
доцент.

М.С.Раҳманкулов
Бир марталик илмий кенгаш
кошидаги бир марталик илмий
семинар раиси, к.х.ф.д.,
профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёдаги энг қиммат экинлардан бири соя (Glycine max) бўлиб, унинг мойли дони нафақат мой ишлаб чиқариш, чорвачиликда тўйимли озуқа учун, балки инсон рационали учун протеин манбаи ва биоёқилги сифатида ҳам кенг қўлланилади. Сўнгги йилларда соя етиштириш учун фойдаланиладиган майдон 26,4 (йилига ўртача 2,4) фоизга ошиб, 130,4 миллион гектарни ташкил қилмоқда. Бунда соя етиштирувчи етакчи мамлакатлар (Бразилия, АҚШ, Аргентина) жами экин майдонининг 70,5 фоизини ташкил қилмоқда. Асосий соя дони ишлаб чиқарувчилар Ғарбий мамлакатлар ҳисобланиб, сўнгги йилларда жаҳонда ялпи ҳосилининг 82 фоиздан ортиғини, жумладан, Бразилия 35,8 фоиз, АҚШ 34,3 фоиз, Аргентина 12,3 фоизини ташкил қилади¹. Ушбу мамлакатларда турли сув ва энергия тежамкор агротехнологияларни қўллаш ва сояни экиш, ўғитлаш ҳамда суғориш меъёрлари ҳамда муддатларини тўғри белгилаш натижасида юқори натижаларга эришилмоқда. Шу боисдан, мавжуд тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, соя етиштиришда замонавий агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳоннинг етакчи соя етиштирувчи мамлакатларида мунтазам равишда соя етиштириш агротехнологиясини такомиллаштиришга, шу жумладан сув ва ресурс тежовчи технологияларни ишлаб чиқишга доир илмий тадқиқотлар жадал олиб борилмоқда. Бу борада, глобал сув танқислиги шароитида тупроқ намлигидан самарали фойдаланиш, соя навларини сувга бўлган талабини ўрганиш, соя навларини етиштиришда суғориш меъёрлари, сони, муддатларини аниқлаш ва етиштирилган ҳосил учун сув сарфини камайтиришга оид тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда сув ва энергия ресурсларини тежаш орқали қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш бўйича кенг қўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, соя экинини бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда такрорий сифатида етиштириш агротехнологиясини такомиллаштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, унинг сувтежамкор суғориш усул ва тартибларини ишлаб чиқиш устивор вазифалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 февралдаги “Республикада соя етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 105-сон Қарорида соя ўсимлигини экиш майдонлари ҳажмини босқичма-босқич кенгайтириш ва мой ишлаб чиқариш миқдорини ошириш вазифаси юклатилган. Бу борада айниқса сувдан самарали фойдаланиб, соя экинини асосий экин сифатида етиштиришда ер ва сув ресурсларини тежовчи технологияларни қўллаш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги

¹ <https://vostokgosplan.ru/wp-content/uploads/soja-v-mire-i-rossii-proizvodstvo-vnutrennee-potreblenie-vneshnjaja-torgovlja.pdf>

“«Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида” ПФ-158-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 апрелдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-107-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз ва хорижда соя навларининг асосий ва такрорий экин сифатида етиштириш технологиялари, ўғитлаш ва суғориш тартиблари, алмашлаб экишдаги ўрни, тупроқ унумдорлигига таъсирни ўрганиш бўйича Х.Атабаева, Н.Халилов, Д.Ёрматова, Б.Холиков, Р.Сиддиқов, Қ.Мирзажонов, Н.Уразматов, У.Нематов, У.Норқулов, Ф.Намозов, Ж.Эшонқулов, О.Сатторовлар шунингдек, хорижда Б.Виноградов, П.Вавилов, А.Бабичлар, Андреас Буц, Уго Торо Корреалар томонидан ўрганилган ва илмий ишлар олиб борилган. Лекин, сув танқис бўлган Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида соя навларини такрорий экин сифатида етиштириш, уларни суғориш усул ва тартиблари етарли даражада ўрганилмаган ҳамда тавсиялар берилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти “Ирригация ва мелиорация” кафедраси илмий тадқиқот ишлар режасининг “Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайдиган мақбул суғориш усуллари, тартиблари, сони, муддати ва меъёрини ишлаб чиқиш ҳамда кенг майдонларга жорий этиш” (2021-2023 йй.) мавзусидаги илмий-амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қашқадарё вилоятининг сув танқис оч тусли бўз тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида экилган соянинг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига турли суғориш усули ва тартибларининг таъсирини ўрганиш ҳамда мақбулларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

оч тусли бўз тупроқлар шароитида такрорий экилган сояни суғориш усули, суғориш тартибларини, тупроқнинг агрохимёвий, агрофизикавий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

такрорий экин сифатида етиштирилган соянинг ўсиши, ривожланиши ва ўсув даврига суғориш суғориш усули ҳамда суғориш тартибларининг

таъсирини аниқлаш.

сув танқис оч тусли бўз тупроқлар шароитида такрорий соянинг мақбул суғориш олди тупроқ намлиги, суғориш муддатлари, сони, мавсумий ва умумий суғориш меъёрларини аниқлаш.

Такрорий сояни суғориш усул ва суғориш тартибларини унинг ҳосилдорлигига таъсирини ҳамда бир центнер дон ҳосили учун сарфланган сув сарфини аниқлаш;

такрорий экилган сояни етиштиришда суғориш усули, суғориш тартибларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари, эгатлаб, эгат оралатиб, мульчалаб, эгат орасига плёнка тўшаб ва томчилатиб суғориш технологиялари, соянинг “Мадад” нави олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, оч тусли бўз тупроқларда такрорий экин сифатида етиштириладиган соянинг сувга бўлган талаби ва турли суғориш усули ҳамда тартибларининг тупроқ структураси, суғориш меъёри, сояни ўсиши-ривожланишига таъсирини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-тадқиқот ишларида лаборатория ва дала тажрибаларини ўтказиш, фенологик кузатиш ва биометрик ўлчашлар “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур”, “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” ва «Агрофизик тадқиқотлар услублари» услубий қўлланмалари асосида олиб борилиб, дала тажрибаларидан олинган маълумотларга математик-статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубий қўлланмаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида соянинг “Мадад” навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-75% тартибда томчилатиб суғорилганда тупроқнинг ҳажмий оғирлиги ва ғоваклиги амал даври боши ва охиридаги кўрсаткичлар 0-50, 0-70 см ва 100 см ҳисобий қатламларда 0,2-0,3 г/см³ га ошганлиги, ғоваклиги 0,7-1,1 фоизга камайганлиги, тупроқнинг 6 соат давомидаги сув ўтказувчанлиги амал даври охирида 661,9 м³/га тенг бўлиб, амал даври бошига нисбатан 110,7 м³/га камайганлиги аниқланган;

оч тусли бўз тупроқлар шароитида такрорий экилган сояни суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-75% тартибида суғорилганда, мавсумий суғориш меъёри эгатлаб суғориш (назорат) усулида 2731 м³/га, эгат оралатиб суғориш усулида 2683 м³/га, қатор орасига плёнка тўшаб суғориш усулида 2270 м³/га, томчилатиб суғориш усулида 1719 м³/га, мулчаб суғориш усулида 2107 м³/гани ташкил қилгани ҳолда, томчилатиб суғоришда 38% сув тежалганлиги аниқланган;

такрорий экилган сояни суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-75% тартибида суғорилганда, 1 ц ҳосил етиштириш учун сарфланган мавсумий суғориш меъёри эгатлаб суғориш усулида 227,6 м³/с, эгат оралатиб суғориш усулида 196,3 м³/с, қатор орасига плёнка тўшаб суғориш усулида 151,3 м³/с, томчилатиб суғориш усулида 97,1 м³/с, мулчаб

суғориш усулида 129,3 м³/с сув сарфланганлиги аниқланган;

такрорий экилган сояни суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-75% тартибида томчилатиб суғорилганда олинган дон ҳосилдорлиги ва рентабеллик даражаси эгатлаб суғориш (назорат) усулига нисбатан тегишлича 5,7 ц/га ва 17,6 % га юқори бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари: Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда такрорий экилган сояни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга 70-75-75% тартиб бўйича суғоришлар ўтказилганда эгатлаб суғоришда жами 5 марта мавсум давомида суғориш меъёри 2731 м³/га, эгат оралатиб 5 марта мавсум давомида суғориш меъёри 2683 м³/га, қатор орасига плёнка тўшаб 4 марта мавсум давомида суғориш меъёри 2270 м³/га, томчилатиб 7 марта мавсум давомида суғориш меъёри 1719 м³/га, мульчалаб суғоришда 4 марта мавсум давомида суғориш меъёри 2107 м³/га тенг бўлганлиги аниқланган;

Такрорий экилган сояни суғоришда эгатлаб суғоришда суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-75% тартибида 1 ц ҳосил етиштириш учун сарфланган мавсумий сув меъёри 227,6 м³/ц, эгат оралатиб суғориш усулида ЧДНСга нисбатан 70-75-75% тартибда мавсумий суғориш меъёри 196,3 м³/ц, қатор орасига плёнка тўшаб суғориш усулида ЧДНСга нисбатан 70-75-75% тартибда мавсумий суғориш меъёри 151,3 м³/ц, томчилатиб суғориш усулида ЧДНСга нисбатан 70-75-75% тартибда мавсумий суғориш меъёри 97,1 м³/ц, мульчалаб суғориш усулида ЧДНСга нисбатан 70-75-75% тартибда мавсумий суғориш меъёри 129,3 м³/ц сув сарфланганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда олиб борилган тажрибаларда тасдиқланган услублардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларга вариацион-статистик ишлов берилганлиги, тадқиқотда олинган натижаларнинг асосланганлиги ҳамда ишлаб чиқариш синовидан ўтказилганлиги ва жорий этилганлиги, тайёрланган ҳисоботлар Илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда такрорий экин сифатида экилган сояни илдиз тарқалган фаол қатлами (100 см) да суғоришдан олдинги ЧДНСга нисбатан тупроқ намлиги, суғориш сонлари, муддатлари, ҳар галги суғориш меъёрлари ва мавсумий суғориш меъёрлари бўйича илмий маълумотлар тўпланганлиги ҳамда дон ҳосили олиш учун сарфланган сув миқдори, соянинг ўсув даври давомийлиги, ривожланиши ва ҳосилдорлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитидаги фермер хўжаликларда такрорий экин

сифатида экилган соянинг эгатлаб, эгат оралатиб, қатор орасига плёнка тўшаб, томчилатиб, мульчалаб суғориш усуллари ва тупроқнинг суғоришлардан олдинги намлиги ЧДНСга нисбатан 60-70-70 ва 70-75-75% тартибларидаги тупроқ структураси, ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигини оширишни таъминловчи суғориш тартибини ишлаб чиқилганлиги ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда такрорийэкилган соянинг мақбул суғориш усуллари ва тартибларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

кузги бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда такрорий экин сифатида соя етиштириш учун «Қашқадарё вилоятида такрорий соя етиштириш агротехникаси» бўйича тавсиянома чоп этилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган (*Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 24 январдаги 04/25-07/19-сон маълумотномаси*). Натижада, ушбу тавсиянома Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитидаги фермер хўжаликларида такрорий соя етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

кузги буғдойдан бўшаган суғориладиган ерларда такрорий экилган сояни тупроқнинг суғоришлардан олдинги намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-75% тартибида томчилатиб суғориш, мулчаб суғориш ва қатор орасига плёнка тўшаб суғориш усулларида етиштириш технологияси Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида 30 гектар, Косон туманида 30 гектар, Нишон туманида 28,5 гектар ва Миришкор туманида 20 гектар, вилоят бўйича жами 108,5 гектар майдонда жорий этилган (*Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 24 январдаги 04/25-07/19-сон маълумотномаси*). Натижада, гектаридан ўртача 15,7-17,8 млн. сўм ялпи даромад ва 4,2-6,1 млн. сўм фойда олинган ҳамда 37-51% рентабелликка эришилган;

такрорий экилган сояни суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-75% тартибида суғориб, етиштириш технологияси 2023 йилда Қарши туманидаги “Сарвар Нурфайзиевич” фермер хўжалигининг кузги буғдойдан бўшаган 9,0 гектар майдонга жорий этилган (*Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 24 январдаги 04/25-07/19-сон маълумотномаси*). Натижада, мазкур технология асосида етиштирилган соянинг ҳосилдорлиги гектарига 18,3 центнерни ташкил этиши, бу кўрсаткич анъанавий технологияга нисбатан 5,3 ц/га кўп бўлиши билан бирга дон таркибидаги оқсил ва мой миқдори сезиларли даражада ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили Қарши ирригация ва агротехнологиялар институтининг апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланиб, ҳисоботлар ҳар йили институтнинг илмий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича

жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек, 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, асосланганлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертацияни тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Асосий экин сифатида сояни етиштириш бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбаалар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи батафсил ёритилган. Шунинг билан бир қаторда, сояни жаҳон мамлакатларида экиладиган майдони, ҳосилдорлиги, навлари, навларининг биологик хусусиятлари, уларнинг ўсув фазалари бўйича сувга бўлган талаби, турли иқлим-тупроқ шароитларида етиштирилган соя навларининг суғориш тартиблари бўйича маълумотлар келтирилган. Адабиётлар шарҳининг хулоса қисмида Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида етиштирилган соянинг суғориш тартиблари сувга бўлган талаби, ўсув даврининг давомийлиги, суғориш тартибларига боғлиқ ҳолдаги ҳосилдорлиги ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлиги келтирилган.

Дала тажрибалари Қашқадарё вилояти Қарши тумани “Жамшид Қиёмов” фермер хўжалиги ерларида олиб борилганлиги ҳамда тажриба майдони қадимдан суғориладиган оч тусли бўз, механик таркиби оғир, сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги ўртача 3 м бўлган шароитда ўтказилганлиги баён этилган. Дала тажрибаларида соянинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган Мадад навини такрорий экин сифатида эгатлаб, эгат оралатиб, эгатга плёнка тўшаб, томчилатиб ва мульчалаб суғоришда суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 60–70–60%, 60–70–70%, 70–75–75% ва 70–80–80% бўлгандаги суғориш тартиблари бўйича тажрибалар олиб борилган.

Тадқиқотларда тажриба вариантларини жойлаштириш, тупроқ намуналарини олиш, сув сарфларини ўлчаш, лаборатория ва дала

тажрибаларини ўтказиш, фенологик кузатиш ва биометрик ўлчашлар “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур”, “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” ва «Агрофизик тадқиқотлар услублари» услубий қўлланмалари асосида олиб борилиб, дала тажрибаларидан олинган маълумотларга математик-статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубий қўлланмаси асосида амалга оширилган.

Тупроқдаги агрохимёвий таҳлилларда: тупроқдаги гумус миқдори И.В.Тюрин, умумий азот, фосфор, калий И.М.Мальцева ва Л.П.Гриценко, алмашинувчан калий миқдори В.П.Протасов усулларида аниқланганлиги баён қилинган. Амал даври давомида тупроқнинг суғориш олди намлиги кузатилиб, суғориш тартиби ва ЧДНСга нисбатан таққосланган ҳолда суғорилган.

Соя тажриба даласида тупроқнинг ҳажм оғирлиги мавсум бошидагига нисбатан мавсум охирида 0-50, 0-70 ва 0-100 см қатламларда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-75% тартибда томчилатиб суғорилганда тупроқнинг ҳажмий оғирлиги ва ғоваклиги амал даври боши ва охиридаги кўрсаткичлар 0-50, 0-70см ва 100 см ҳисобий қатламларда 0,2-0,3 г/см³ га ошганлиги, ғоваклиги 0,7-1,1 фоизга камайганлиги, тупроқнинг 6 соат давомидаги сув ўтказувчанлиги амал даври охирида 661,9 м³/га тенг бўлиб, амал даври бошига нисбатан 110,7 м³/га камайганлиги аниқланган.

Тажрибалар олиб борилган йиллар бўйича ўрганилган барча суғориш усулларида ҳам тупроқнинг ҳажм массаси белгиланган суғориш тартиблари таъсирида ортганлиги кузатилган.

Тажриба майдонида тупроқ намлигини суғориш муддатларига ва меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгаришни ўрганиш мақсадида ҳар бир вариантда қабул қилинган суғоришлардан олинган тупроқ намлиги соянинг ўсув фазалари бўйича илдиз тарқалиш чуқурлигини ҳисобга олган ҳолда дуккаклашгача бўлган муддатда 50 см, дастлабки дуккаклаш даврида 70 см ва дастлабки пишиш (75%) давридан бошлаб 100 см чуқурлик бўйича аниқлаб борилди.

Олинган маълумотларни кўрсатишича, тажриба майдонларида такрорий экилган сояни суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги тажриба тизимида қабул қилинган намликлар асосида аниқлаб борилган. Эгатлаб суғорилганда, суғориш олдинги тупроқ намлиги барча вариантлар бўйича дастлабки суғоришда ЧДНСга нисбатан 60% бўлган вариантда тупроқнинг намлиги қуруқ оғирлигига нисбатан 12,6; 15,3; 15,4; 13,4 фоизни ташкил қилди ва бу намлик кўрсаткичлари тупроқнинг чекланган нам сиғими (ЧДНС)га нисбатан 60-70-70 % тартибда 12,4; 14,8; 15,0; 15,2% дан иборат бўлди. Бу намлик кўрсаткичлари тупроқнинг чекланган нам сиғимига нисбатан эса 59,4; 69,1; 70,0; 71,0 фоизни ташкил этган.

Соянинг дастлабки ўсиш фазасидаги ЧДНСга нисбатан 60% вариантларда Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60-70-70 % тартибда 12,8; 14,9; 15,1; 15,2 % дан иборат бўлди. Бу намлик кўрсаткичлари тупроқнинг чекланган нам сиғимига нисбатан эса 60,9; 69,6, 70,5; 69,0

фоизни ташкил этган.

1-жадвал

Такрорий экилган сояни суғориш усуллари ва тартиблари бўйича бир галги ва мавсумий сув сарфи, м³/га (2021-2023 йил).

Суғориш усули	Суғориш тартиби (ЧДНС)	Суғоришлар								Жами
		1	2	3	4	5	6	7	8	
Эгатлаб суғориш (назорат)	60-70-60	878,7	829,6	816,0	884,					3408
	60-70-70	946,0	726,0	704,0	682,0					3058
	70-75-75	427,4	576,2	554,9	544,5	628,3				2731
	70-80-80	434,6	460,7	408,4	429,3	460,7	494,8			2689
Эгат оралатиб суғориш	60-70-60	604,3	628,3	638,7	963,4					2835
	60-70-70	596,9	591,1	712,0	617,8					2788
	70-75-75	442,2	586,3	576,2	565,5	513,0				2683
	70-80-80	434,8	442,2	418,8	438,8	429,3	502,6			2667
Қатор орасига плёнка тўшаб суғориш	60-70-60	631,0	581,0	553,0	630,0					2395
	60-70-70	647,0	501,0	554,0	609,0					2311
	70-75-75	606,4	565,4	544,5	554,9					2270
	70-80-80	405,3	418,8	429,3	408,4	450,3				2121
Томчилатиб суғориш	60-70-60	368,0	401,0	282,5	277,9	287,0	410,0			2026
	60-70-70	359,1	372,6	305,2	277,9	287,0	301,0			1903
	70-75-75	260,4	255,8	246,0	236,9	232,4	246,0	241,5		1719
	70-80-80	260,4	255,8	182,2	191,4	186,8	173,1	177,7	191,3	1618
Мульчалаб суғориш	60-70-60	618,8	590,0	571,2	616,0					2396
	60-70-70	611,7	590,2	580,0	600,0					2381
	70-75-75	442,0	565,5	544,5	554,9					2107
	70-80-80	434,3	408,3	438,8	429,3	429,3				2171

Суғориш муддатлари, меъёрлар ва мавсумий суғориш меъёрлари суғоришдан олдинги тупроқ намлигига қараб амалга оширилди. Кузги буғдойдан кейин экилган сояни суғориш олди тупроқ намлиги 60-70-60%, 60-70-70%, 70-75-75% ва 75-80-80% белгиланган вариантларда ўрганилди.

Тажриба майдонида такрорий экилган соя ўсимлиги навларининг суғориш меъёрлари ва суғориш сонлари суғориш усулига, суғоришлардан олдинги қабул қилинган тупроқ намлигига, экиннинг илдиизи тарқалган фаол қатлам чуқурлигига (100 см) боғлиқ ҳолда турлича бўлганлиги аниқланди (1-жадвал).

Такрорий экилган соянинг ўсув даври бошида биринчи суғориш фаол қатлам чуқурлиги 50 см бўлганда назорат эгатлаб суғориш усули бўйича суғоришдан олдинги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60% вариантда амалий суғориш меъёри 878,7-946 м³/га, суғоришдан олдинги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70% вариантда 427-434 м³/га ни ташкил қилди.

Такрорий экин сифатида парваришланган сояни янги навларини суғориш тартибларини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий изланиш натижаларига кўра, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60-70-60% дан 70-80-80% га ортиб бориши билан суғориш меъёри, суғориш вақти, суғоришлар орасидаги муддатлар камайиб борди. Шунингдек, суғориш усуллари бўйича суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60-70-60% ва 60-70-70% тартибларда қатор орасига плёнка тўшаб суғориш усулида энг кам сув сарфланган бўлса, суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-75% ва 70-80-80% тартибларда томчилатиб суғориш усулида энг кам сув сарфланганлиги аниқланди.

Тадқиқотлар давомида тажриба даласига кирган ва чиққан сувлар назоратга олинди. Сув мувозанати ўсимликнинг амал даври давомида бериладиган сув меъёрининг кирим ва сарф қисмларидан иборат. Даланинг сув мувозанатини кирим қисмини суғоришга ишлатилган мавсумий суғориш меъёри, мавсумдаги ёғингарчиликлар, сизот сувлари, тупроқдаги сув захираси ташкил этади. Даланинг сув мувозанатини сарф қисмини эса амал даври давомида тупроқ юзасидан сувнинг буғланиши, ўсимликлар томонидан транспирацияга сарфланган сув, меъеридан кўп суғориш натижасида тупроқнинг пастки қатламларига синган сувлар, суғориш сувларининг бошқа майдонларга оқиб кетиши ва амал даврида ўсимликлар томонидан ўзлаштириладиган сувлар ташкил қилади.

Олиб борилган тадқиқот йиллари тажриба даласининг сув сарфининг кирим қисмини ўрганиш учун амал даври боши ва охирида тажриба даласи тупроғининг 0-100 см гача бўлган қатламидан намлик захирасини аниқлаш учун намуналар олинди, амал даври давомидаги ёғингарчиликлар ва суғориш учун ишлатилган мавсумий суғориш меъёрлари аниқланди.

Қуйидаги формула билан сув сарфининг кирим қисми ўрганилди.

$$E = N_H - W_K + N + M_O$$

Бу ерда: **E**-тажриба даласининг умумий сув сарфи, м³/га; **N_H**-0-100 см тупроқ қатламида ўсув даври бошида намлик захираси, м³/га; **W_K**- 0-100 см тупроқ қатламида ўсув даври охирида намлик захираси, м³/га; **N**-нам тўпловчи суғориш меъёри, м³/га; **M_O**-мавсумий суғориш меъёри, м³/га.

Тадқиқотларимиз давомида такрорий экилган соянинг тажриба далаларида сув мувозанати суғориш усуллари ва суғориш тартибларида алоҳида ўрганилди (2-жадвал).

2-жадвал

**Турли суғориш усулларида етиштирилган соянинг сув истеъмоли, м³/га
(2021-2023 йй.)**

Кўрсаткичлар	Тажриба вариантлари									
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Амал даври бошида сув захираси, (0-200 см)	1205	1205	1205	1205	1205	1205	1205	1205	1205	1205
Амал даври охирида сув захираси, (0-200 см)	950	945	948	952	956	958	939	936	928	960
Тупроқдаги нам захирасидан фойдаланиш, м ³ /га	255	260	257	253	249	247	266	269	277	245
Тупроқдаги нам захирасидан фойдаланиш, %	6,7	7,8	8,6	8,6	8,9	8,1	9,0	9,2	10,4	9,6
Мавсумий сув миқдори, м ³ /га	3408	3058	2731	2689	2835	2788	2683	2667	2395	2311
Мавсумий сув миқдори, %	93,3	92,2	91,4	91,4	91,1	91,9	91,0	90,8	89,6	90,4
Жами фойдаланилган сув м ³ /га	3663	3318	2988	2942	3084	3035	2949	2936	2672	2556
Ҳосилдорлиги, ц/га	9,8	11,1	12,0	10,7	11,5	12,1	13,7	13,7	13,7	14,5
1 ц ҳосилга сарфланган сув миқдори, м ³	347,8	275,5	227,6	251,1	246,5	230,4	196,3	194,7	174,8	159,4
1 ц ҳосилга сарфлаган умумий сув миқдори, м ³	373,8	298,9	249,0	275,0	268,2	250,8	215,3	214,3	195,0	176,3
1 м ³ суғориш сувини ҳосил билан қоплаш, кг	0,29	0,36	0,44	0,40	0,41	0,43	0,51	0,51	0,57	0,62

Изоҳ: 1-4 вариантлар эгатлаб суғориш, 5-8 вариантлар эгат оралатиб суғориш, 9-12-вариантлар плёнка тўшаб суғориш

Тажриба майдонида кузги бошоқли дон экини (буғдой)дан кейин такрорий экилган соянинг умумий сув истеъмолини аниқлаш учун ўсув даври давомидаги тупроқ намлик захирасидан ўсимликлар томонидан ўзлаштирилган сув миқдори ва соя навларини ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаш учун сарфланган мавсумий суғориш меъёрлари ҳисобга олинди. Тажриба майдонида сизот сувларининг мавсумий жойлашиш чуқурлиги 3 м дан чуқурда бўлганлиги, бу сувлардан ўрганилган соя навлари фойдалана олмаганлиги туфайли, улар ҳисобга олинмади.

3-жадвал

**Турли суғориш усулларида етиштирилган соянинг сув истеъмоли, м³/га
(2021-2023 йй.)**

Кўрсаткичлар	Тажриба вариантлари									
	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
Амал даври бошида сув захираси	1205	1205	1205	1205	1205	1205	1205	1205	1205	1205
Амал даври охирида сув захираси	956	948	957	944	961	946	953	945	958	965
Тупроқдаги нам захирасидан фойдаланиш, м ³ /га	249	257	248	261	244	259	252	260	247	240
Тупроқдаги нам захирасидан фойдаланиш, %	9,8	10,8	10,9	12,0	12,4	13,8	9,5	9,8	10,5	9,9
Мавсумий сув миқдори, м ³ /га	2270	2121	2026	1903	1719	1618	2396	2381	2107	2171
Мавсумий сув миқдори, %	90,1	89,1	89,1	88,0	87,5	86,2	90,5	90,2	89,5	90,1
Умумий сув истеъмоли м ³ /га	2519	2378	2274	2164	1963	1877	2648	2641	2354	2411
Ҳосилдорлиги, ц/га	15,0	15,4	15,6	16,6	17,7	17,6	14,8	15,4	16,3	16,7
1 ц ҳосилга сарфланган сув миқдори, м ³	151,3	137,7	129,9	114,6	97,1	91,9	161,9	154,6	129,3	130,0
1 м ³ суғориш сувини ҳосил билан қоплаш, кг	0,66	0,73	0,76	0,87	1,0	1,0	0,61	0,64	0,77	0,76

Изоҳ: 9-12 вариантлар плёнка тўшаб суғориш, 13-16-вариантлар томчилатиб суғориш, 17-20 вариантлар мульчаланган

Тадқиқотларда такрорий экилган сояни суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги эгатлаб суғоришлар ўтказилган суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60-70-60% бўлган вариантда суғориш усуллари бўйича мавсумий суғориш меъёри 93,3% ни, суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60-70-70% бўлган вариантда 92,2% ни, суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-75% бўлган вариантда 91,4 фоизни, суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-80% бўлган вариантда 91,4% ни ташкил этди.

Тажриба майдонида такрорий экилган соянинг умумий сув истеъмолини ўрганиш шуни кўрсатдики, тупроқнинг суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60-70-60% бўлган вариантларда ЧДНСга нисбатан 70-75-75% бўлган вариантларга нисбатан тупроқдаги захира намлик ва нам тўпловчи суғоришдан фойдаланиш 10-15% га юқори бўлиши аниқланди.

Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида бошокли дон экинларидан кейин такрорий экилган соядан 1 ц дон ҳосили олиши учун сарфланган сув меъёрларини аниқлашда мавсумий суғориш меъёри ва умумий сув истеъмолининг етиштирилган ҳосилга бўлган нисбати бўйича аниқланди.

Такрорий экилган соядан 1 ц дон ҳосилини етиштириш учун сарфланган сув меъёри суғориш усули ва тартибларига, мавсумий сув меъёрларига ва умумий сув истеъмолига ҳамда етиштирилган ҳосил миқдorigа боғлиқ ҳолда турлича бўлди (3-жадвалга қаранг).

Такрорий экилган сояни андоза эгатлаб суғориш усулида суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 60-70-60% бўлган тартибда суғорилганда ҳосилдорлик 9,8 ц/га ни ташкил қилиб, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 347,8 м³ ни, 1 ц ҳосил учун умумий сув истеъмоли 373,8 м³ ни, 60-70-70% тартибда ҳосилдорлик 11,1 ц/га ни, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 275,5 м³ ни, 1 ц ҳосил учун умумий сув истеъмоли 298,9 м³ ни, 70-75-75% тартибда ҳосилдорлик 12,0 ц/га ни, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 227,6 м³ ни, 1 ц ҳосил учун умумий сув истеъмоли 249,0 м³ ни, 70-80-80% тартибда ҳосилдорлик 10,7 ц/га ни, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 251,1 м³ ни, 1 ц ҳосил учун умумий сув истеъмоли 275,0 м³ ни ташкил қилди.

Эгатлаб оралатиб суғориш усулида суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 60-70-60% бўлган тартибда суғорилганда ҳосилдорлик 11,5 ц/га ни ташкил қилиб, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 246,5 м³ ни, 1 ц ҳосил учун умумий сув истеъмоли 268,5 м³ ни, 60-70-70% тартибда ҳосилдорлик 12,1 ц/га ни, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 230,4 м³ ни, 1 ц ҳосил учун умумий сув истеъмоли 250,8 м³ ни, 70-75-75% тартибда ҳосилдорлик 13,7 ц/га ни, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 196,3 м³ ни, 1 ц ҳосил учун умумий сув истеъмоли 215,3 м³ ни, 70-80-80% тартибда ҳосилдорлик 13,7 ц/га ни, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 194,7 м³ ни, 1 ц ҳосил учун умумий сув истеъмоли 214,3 м³ ни ташкил этди.

Қатор орасига плёнка тўшаб суғориш усулида суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 60-70-60% бўлган тартибда суғорилганда ҳосилдорлик 13,7 ц/га ни ташкил қилиб, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 174,8 м³ ни, 1 ц ҳосил учун умумий сув истеъмоли 195,0 м³ ни, 60-70-70% тартибда ҳосилдорлик 14,5 ц/га ни, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 159,4 м³ ни, 1 ц ҳосил учун умумий сув истеъмоли 176,3 м³ ни, 70-75-75% тартибда ҳосилдорлик 15,0 ц/га ни, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 251,3 м³ ни, 1 ц ҳосил учун умумий сув истеъмоли 167,9 м³ ни, 70-80-80% тартибда ҳосилдорлик 15,4 ц/га ни, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 137,7 м³ ни, 1 ц ҳосил учун умумий сув истеъмоли 154,4 м³ ни ташкил қилди.

Томчилатиб суғориш усулида суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 60-70-60% бўлган тартибда суғорилганда ҳосилдорлик 15,6 ц/га ни ташкил қилиб, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 129,9 м³ ни, 1 ц ҳосил учун умумий сув истеъмоли 145,8 м³ ни, 60-70-70% тартибда ҳосилдорлик 16,6 ц/га ни, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 114,6 м³ ни, 1 ц ҳосил учун умумий сув истеъмоли 130,4 м³ ни, 70-75-75% тартибда ҳосилдорлик 17,7 ц/га ни, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 97,1 м³ ни, 1 ц ҳосил учун умумий сув истеъмоли 110,9 м³ ни, 70-80-80% тартибда ҳосилдорлик 17,6 ц/га ни, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 91,9 м³ ни, 1 ц ҳосил учун умумий сув истеъмоли 106,6 м³ ни ташкил қилганлиги аниқланди.

Мульчалаб суғориш усулида суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 60-70-60% бўлган тартибда суғорилганда ҳосилдорлик 14,8 ц/га ни ташкил қилиб, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 161,9 м³ ни, 1 ц ҳосил учун умумий сув истеъмоли 178,9 м³ ни, 60-70-70% тартибда ҳосилдорлик 15,4 ц/га ни, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 154,6 м³ ни, 1 ц ҳосил учун

умумий сув истеъмоли 178,9 м³ ни, 70-75-75% тартибда ҳосилдорлик 16,3 ц/га ни, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 129,3 м³ ни, 1 ц ҳосил учун умумий сув истеъмоли 144,4 м³ ни, 70-80-80% тартибда ҳосилдорлик 16,7 ц/га ни, 1 ц ҳосил учун мавсумий сув сарфи 130,0 м³ ни, 1 ц ҳосил учун умумий сув истеъмоли 146,3 м³ ни ташкил этди.

